

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.02.2018.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**АШУРОВ ШЕРОЗ ЭРМАТОВИЧ**

**ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАК ЯРАСИ ТЕШИЛИШИДА  
ХИРУРГИК ДАВОЛАШГА ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАШГАН  
ЁНДАШУВ**

**14.00.40 – Шошилинч тиббиёт**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ашуров Шероз Эрматович**

Ўн икки бармоқли ичак яраси тешилишида

хирургик даволашга дифференциаллашган ёндашув.....3

**Ашуров Шероз Эрматович**

Дифференцированный подход к хирургическому

лечению перфоративных язв двенадцатиперстной кишки.....21

**Ashurov Sheroz Ermatovich**

Differenciated approach to the surgical treatment

of perforated duodenal ulcers.....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....44

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.02.2018.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**АШУРОВ ШЕРОЗ ЭРМАТОВИЧ**

**ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАК ЯРАСИ ТЕШИЛИШИДА  
ХИРУРГИК ДАВОЛАШГА ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАШГАН  
ЁНДАШУВ**

**14.00.40 – Шошилинч тиббиёт**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Tib292. рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.rscs.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Беркинов Улғубек Бозорбоевич**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Аталиев Альберт Ервандович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Хаджибаев Фарход Абдухакимович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**А.И.Евдокимов номидаги Москва давлат тиббиёт стоматология университети (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги DSc.28.02.2018.Tib.63.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100081 Тошкент, Кичик халқа йўли кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-46-00, e-mail: uzmedicine@mail.ru)

Диссертация билан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100081, Тошкент ш., Кичик халқа йўли кўчаси, 2. Тел/факс: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М.Хаджибаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А.Алимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Б.К.Алтыев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ошқозон ичак тизими фаолиятининг бузилишига олиб келадиган кўп омиллар, яъни овқатланиш тартибининг бузилиши, хеликобактер инфекцияси, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларнинг истеъмол даражасининг ортиши, турли стресслар яра касаллигини ривожланишида ўзига хос бўлган ахамиятга эга. ЖССТнинг маълумотларига кўра «...яра тешилиши учраши Жанубий Кореяда–100.000 аҳолига–4,4, Японияда–4,2, Норвегияда– 6,5, Россияда–7,5–13,0, АҚШда–9,0 ҳолатни ташкил этади...»<sup>1</sup>. Хирургик амалиётида яра касаллигини консерватив даволашнинг муваффақиятли таъсир қилишига қарамасдан, яра тешилишида ўлим 2,5% дан 27% гача, РФида 1-10,6% гача эканлиги аниқланади. Агар беморлар яра тешилиши сабабли перитонит терминал фазасида ва оғир ёндош касалликлари билан мурожат қилинса, ўлим кўрсаткичи 30% гача кўтарилиши...» баҳоланган<sup>2</sup>. Ўн икки бармоқли ичак яраси тешилиши ёшларда, ошқозон яраси тешилиши эса катталарда кўпроқ учрайди. Кўпчилик олимларнинг айтишича, «...яра касаллигини консерватив даволаш унинг асоратларини учраш сонини камайтирмасдан, балки фақатгина катта ёшлиларда 65 ёшдан ошган беморлар гуруҳида яра касаллигининг анча оғирлашган асорат турлари учраши, даволаш натижаларини ёмонлаштиргани, оғир ёндош касалликлари бўлган беморларда янги ва кам инвазив оператив даво усулларини излашни талаб қилади...»<sup>3</sup>. Ҳозирги кунда касалликни ташхислашда қўлланиладиган стандарт ташхислаш арсеналини қўллаш ҳар доим ҳам тўғри ташхис қўйиш имконини бермайди, бу эса радикал операция усулини ишлатиш имкояти бўлган беморларда «қимматли» вақтни йўқотишга сабаб бўлади. Юқорида қайд этилганларни инобатга олиб, ушбу муаммони ҳал қилиш соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда ўн икки бармоқли ичак яраси тешилишида хирургик даволашга дифференциаллашган ёндашувни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ўн икки бармоқли ичак яраси тешилишини даволашда анъанавий даволаш усулларини самарадорлигини баҳолаш ва уни яхшилашнинг асосий йўллари оидинлаштириш, ўн икки бармоқли ичак яраси тешилиши билан беморларда ошқозоннинг *Helicobacter pilory* инфекцияси билан ифлосланганлик даражасини экспресс аниқлаш самарадорлигини асослаш механизмини ишлаб чиқишдан иборат. Яра субстратини морфометрик белгиларини баҳолаш ва шу асосида амалиётдан кейинги даврда яра касаллигини тешилишини башоратлаш усулини ишлаб чиқиш, ўтказилган текширишлар (эндоскопия, лапароскопия, *Helicobacter test*, морфометрия)

<sup>1</sup> Ates, M. The simple suture laparoscopic repair of peptic ulcer perforation without an omental patch / M. Ates, A. Dirigan // Surg. Endosc. – 2016. – Vol. 26. – P. 289.

<sup>2</sup> Хаджибаев А.М., Атаджанов Ш.К., Каттабеков О.А. Новые технологии в хирургии прободных язв двенадцатиперстной кишки. Бюл. Ассоциации врачей Узбекистана. 2008. №1, 34-38.

<sup>3</sup> Сажин А.В. Результаты лапароскопического ушивания пилорородуоденальных язв // Неотложная и специализированная помощь. III конгресс московских хирургов: тез. докл. – М., 2012. – С. 45-46.

асосида ўн икки бармоқли ичак яраси тешилиши мавжуд беморлар учун ташхисот ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқишга қаратилган соғломлаштирувчи чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва олдини олишга қаратилган даволаш тизимини яратиш алоҳида касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли соматик касалликларининг хирургик даволаш самардорлигини ошириш мақсадида «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самардорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>4</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларда аҳоли орасида ошқозон ичак касалликларини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги ва унинг оқибатидаги асоратлари даражасини камайтириш имконини беради

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985 «Шошилич тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда кўп сонли муаллифлар берган маълумотларга кўра тешилган яра касаллигида ўлим кўрсаткичи 5% дан 10% гача, агар беморда терминал перитонит ва оғир ёндош касалликлари бўлса, бу кўрсаткич 50% га етиши мумкин. Бу касалликда кузатиладиган ўлим кўрсаткичи тўғридан-тўғри кузатиладиган операциядан кейинги асоратлар (5,0-32,0%) билан боғлиқ. Бу кўрсаткичлардаги катта фарқнинг

---

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

мавжудлиги кўпгина сабаблар (ёш, перфорация давомийлиги, перитонит босқичи, ёндош касалликлар, операция тури ва жаррох малакаси) билан чамбарчас боғлиқ. Бу кўрсаткични камайтиришнинг асосий йўли – яра тешилишини ўз вақтида эрта ташхислаш ва имкон даражасида кам инвазив операция усулини қўллаш ҳисобланади. Статистик текширувларга кўра, ўн икки бармоқли ичак яраси перфорациясида ташхислашдаги хатоликлар 5-15% ни ташкил этади. (Kocer B., Surmeli, C. Solak et al. 2015). Ўн икки бармоқли ичак ва ошқозон яраси тешилишини ташхислашда стандарт усул (рентгенологик, УТТ) ларни ишлатиш 85,0-90,0% ҳолатда ўз вақтида тўғри ташхис кўйиш имконини беради. «Кўпинча яра тешилишини кеч ташхислашнинг сабаби ёки касалликнинг атипик кечиши, ёки дори воситаларини қўллаш ҳисобига касаллик клиник манзарасининг ўзгаришидир. Олиб борилган текширувларга кўра, дунёда яра тешилишини ташхислаш жараёнида кузатиладиган хатоликлар 5% дан 40% гача бўлиб, кўпинча шу давлатнинг ривожланганлик даражаси, жаррохнинг малакасига боғлиқ бўлади. Масалан, P.H.Jordan нинг маълумотига кўра, кўпинча тешилган яранинг ёпилиб қолиши ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак орқа деворида учраса ҳам, ташхислашдаги хатолик 10% дан ошмаган. Чунки, улар бу ҳолатни ташхислаш учун компьютерли томографияни ишлатишар экан. Бошқа гуруҳ олимларнинг фикрича (Seung Jin Bae, 2012; Sung Woo Jung 2012; В.К. Гостицев 2014; Н.W.Chang 2012; M.Nishayami 2016), ташхислашдаги хатоликлар миқдори қўлланган ташхисот усулларнинг имкониятига ҳам боғлиқ. Шундай қилиб, текширувлар натижаларининг аниқлик даражаси ҳар хил: рентгенологик- 70%, эндоскопик-80-90%, ташхисот лапароскопия - 95-98% ва лапаротомия - 100%.

Ўзбекистонда ошқозон ичак тизими хирургиясининг амалиётида ўн икки бармоқли ичак ярасининг тешилиши билан хасталанган беморларда жаррохлик амалиётини (Назирова Ф.Н., 2010; Ходжибоев А.М., 2015; Каримов Ш.И. 2016; Акилов Х.А. 2017), ўн икки бармоқли ичак яраси тешилишида хирургик даволашга дифференциаллашган ёндашувни такомиллаштириш тактикасини баҳолаш тизими тўлиқ ўрганилмаган.

Бугунги кунда соҳада орттирилган тажриба ва ўтказилган тадқиқотлар беморлар аҳволининг оғирлик ҳолатини аниқлашда индивидуал баҳолаш масалаларини кўриб чиқишга ва уларни ўн икки бармоқ ичак яраси тешилишини тўғри ташхислаш ва касалликнинг ривожланиш сабабларини чуқурроқ батафсил ўрганиш имкон беради. Шунингдек, турли этиологияли ўн икки бармоқли ичак яраси тешилишида хирургик даволашга дифференциаллашган ёндашувни такомиллаштириш шошилинич хирургиянинг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий ишлари режасига мувофиқ ПЗ № 2017101737 «Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги ва унинг асоратларида замонавий терапевтик ва кам инвазив

жаррохлик даволаш усуллари ишлаб чиқиш» (2018-2019 йй) амалий грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўн икки бармоқли ичак яраси тешилишини ташхислаш ва даволашга қиёсий ёндашган ҳолда, унинг жаррохлик йўли билан даволашни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўн икки бармоқли ичак яраси тешилишини даволашда анъанавий даволаш усуллари клиник самарадорлигини баҳолаш ва уни яхшилашнинг асосий йўллари аниқлаштириш;

ўн икки бармоқли ичак яраси тешилиши билан беморларда ошқозоннинг *Helicobacter pilory* инфекцияси билан ифлосланганлик даражасини экспресс аниқлаш самарадорлигини баҳолаш;

яра субстратини морфометрик белгиларини ўрганиш ва шу асосида амалиётдан кейинги даврда яра касаллигини тешилишини башоратлаш усулини ишлаб чиқиш;

ўтказилган текширишлар (эндоскопия, лапароскопия, *Helicobacter test*, морфометрия) асосида ўн икки бармоқли ичак яраси тешилиши мавжуд беморлар учун ташхислаш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2005 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда Тошкент тиббиёт академиясининг иккинчи клиникаси шошилич жаррохлик бўлимида стационар даволанишда бўлган ўн икки бармоқли ичак яраси тешилиши билан хасталанган 198 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ўн икки бармоқ ичак яраси тешилган беморларнинг ичакларининг микробиологик кўрсаткичлари, инструментал текшириш (УТТ), *Helicobacter test*, микроскопик материаллар, прогностик шкалалар – МПИ ва ASA ҳамда беморларнинг қон материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қўйилган вазифаларни ҳал этиш ва тадқиқот мақсадига эришиш учун прогностик шкалалар, умумклиник, лаборатор, инструментал, микробиологик, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўн икки бармоқли ичак яраси тешилиши, айниқса ёпилиб қолган яраларнинг яширин турларида эндоскопик белгилар (ҳаво билан инсуффляция қилинганда ўн икки бармоқли ичак деворларининг тўғриланмаслиги ва қоринда оғрикнинг кучайиши, яра тубининг кўринмаслиги) нинг ташхисий хатоликларни камайтиришдаги аҳамияти асосланган;

ўн икки бармоқли ичак яраси тешилишида унинг кечиши, эндоскопия, лапароскопия, *Helicobacter test*, морфометрия, перитонит тури ва беморнинг ASA бўйича ҳолатини ҳисобга олганда ташхислаш ва даволаш тактикасини аниқлайдиган мезонлар асосланган;

яра субстратидаги морфометрик ўзгаришлар (хужайралараро модда, лимфа ва қон томирлар ҳамда Панет хужайраларининг нисбий ҳажми) га

асосланиб, ўн икки бармоқли ичак яраси тешилишини башоратлаш усули ишлаб чиқилган;

ўн икки бармоқли ичак яра касаллигини хирургик амалиётдан кейинги даврда яра асоратларни олдини олиш қаратилган антисекретор, антихеликобактер консерватив даволаш ҳамда зарур ҳолатларда радикал операцияни амалга ошириш тактикаси такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

эндоскопик ва лапароскопик усулларни қўллаш ташхислаш этапини қисқартириб, юқори аниқлик билан ташхис қўйишга ва ўз вақтида даволаш тактикасини аниқлаш имконини берган;

ўн икки бармоқли ичак яраси тешилишини ташхислаш ва даволаш бўйича таклиф этилган алгоритм шу категориядаги беморларни даволаш натижаларини яхшилаш имконини беради: асоратлар миқдори 14,8% га, ўлим -1,85% гача ва яра касаллиги қайталаниши ёки рецидивини 13,0% гача камайган;

ишлаб чиқилган башоратлаш усули яра тешилиши хавфи бор беморларни аниқлаш имконини берган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи прогностик шкалалар, умумклиник, лаборатор, инструментал, микробиологик, биокимёвий ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, ўн икки бармоқли ичак яраси тешилишида хирургик даволашга дифференциаллашган ёндашувда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалар, хулоса ва таклифлар ўн икки бармоқли ичак яраси перфорациясида ташхислаш ва даволаш бўйича ўзига яраша ҳисса қўша олади. Бу касалликда жаррохлик тактикасини аниқлаштиришда ёрдам берувчи эндоскопик ва лапароскопик мезонлар ёритиб ўтилган, шулар асосида даволаш ва тасхислаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф этилган алгоритм, юқори аниқлик билан ўз вақтида ташхис қўйиш ва тактикани аниқлаш, ишлаб чиқилган яра тешилишини башоратлаш усули амалиётдан кейинги даврда асоратлар юзага келишини олдини олади. Техник жиҳатдан мазкур усул енгил бажарилади, кўп маблағ талаб қилмайди, стационарларда қўллаш жуда осон ва шифохонада бўлиш даврини камайтириш имкони яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Ўн икки бармоқли ичак яраси тешилишида хирургик даволашга дифференциаллашган ёндашувни такомиллаштиришни баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Сурункали гастродуоденал яраларни тешилишини прогнозлаш усули» бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 05271). Ушбу усул турли даражадаги гастродуоденал яралар тешилиши хавфи мавжуд беморларни аниқлашга имкон берган;

«Дуоденал яранинг тешилишининг ташхислаш ва даволаш аспекти» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 28 мартдаги 8н-р/102 сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ўн икки бармоқ ичак ярасининг тешилишининг ўз вақтида ва тўғри ташхислаш ва хирургик даволаш тактикаси баҳолаш имконини берган;

ўн икки бармоқли ичак яраси тешилишида хирургик даволашга дифференциаллашган ёндашувни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали, Тошкент тиббиёт академияси 2- клиникаси шошилинч хирургия бўлимлари амалий фаолиятга тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 8н-з/251 сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ўн икки бармоқли ичак яраси тешилиши билан хасталанган беморларни ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилашга, шунингдек, жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни 14,8% га, ўлим - 1,85% гача ва яра касаллиги қайталаниши ёки рецидиви 13,0% гача камайтириш, беморларни касалхонада бўлиш давомийлигини 1,1 кунга қисқариши имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробация натижалари,

нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўн икки бармоқли ичак яраси тешилишини хирургик даволашга дифференциаллашган ёндашувнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили баён этилган. Унда касалликнинг этиопатогенези, ташхислаш ва даволаш усуллари ўзида жамлаган замонавий маълумотлар келтирилган. Яра касаллиги ва унинг асорати бўлган перфорациянинг келиб чиқиш аспекти назарий жиҳатдан таҳлил этилган. Касалликни мавжуд бўлган ташхислаш ва даволаш бу соҳада ечилмаган ва ҳал қилиниши зарур бўлган аспектига аниқлик киритилган, қўлланиладиган усулларнинг афзаллик ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг «**Ўн икки бармоқли ичак яраси тешилишида хирургик даволашга дифференциаллашган ёндашув материали ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида 2005-2017 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академиясининг иккинчи клиникаси шошилиш жарроҳлик бўлимида стационар даволашда даволанган ўн икки бармоқли ичак тешилган яраси билан оғриган 198 нафар беморнинг тадқиқот тавсифи берилган. Беморларни даволаш стандарт бўйича, ўн икки бармоқли ичак тешилган яраси билан беморларини даволаш баённомаси асосида олиб борилган.

Барча беморларга ўн икки бармоқли ичак тешилган яраси бўйича шошилиш равишида турли хил оператив даво усуллари қўлланилган. Улардан 90 нафар бемор назорат гуруҳига ажратилиб, уларга 2005-2012 йилларда стационар ҳолатда анъанавий ташхислаш ва даволаш усуллари қўлланилган. Асосий гуруҳни эса 108 нафар бемор ташкил этиб, уларга 2013-2017 йилларда янги тадбиқ этилган мукаммалаштирилган даволаш ва ташхислаш усуллари ишлатилган.

Бобда беморларни ёши ва жинси, касаллик давомийлиги, клиник кўриниши, йўлдош патологиялар, жарроҳлик аралашув турлари бўйича гуруҳларга ажратилиш маълумотлари келтирилган.

Текширув усуллари умумий тавсифи бўлимида ўн икки бармоқли ичак тешилган ярасини ташхислашнинг турли хил усуллари келтирилган.

Ўн икки бармоқли ичак тешилган яраси билан беморларда касалликнинг оддий кечим билан бошланиши ташхис қўйишда ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Лекин, ташхисни тасдиқлаш, қиёсий ташхислаш ва асосан гумонли ҳолатларда, қўшимча ва инструментал текширув усулларини қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Назорат гуруҳида ташхис қўйишда обзорли рентгеноскопия скрининг усул сифатида қўлланилган ва 70 (77,8%) нафар беморда ўз вақтида, тўғри ташхис қўйиш имкониятини берган.

Қолган 20 нафар беморда ўн икки бармоқли ичак тешилган яраси клиник белгилари мавжуд бўлганлиги, аммо рентгенологик усулда ташхис тасдиқланмаганлиги сабабли, Дебек синамаси ўтказилган. Шундан сўнг 12

(13,3%) та ҳолатда қайта рентгеноскопияда қорин бушлиғида «эркин газ» аниқланган ва ташхис тасдиқланган. Қолган беморлар динамик кузатувга ётказилган ва кейинчалик операцияга олинган. Лекин улар учун «қимматли» бўлган вақтнинг йўқотилганлиги сабабли, уларга радикал оператив даво кўрсатилган бўлса ҳам, бажариш имконияти бўлмаган. Шунини ҳисобга олиб, асосий гуруҳнинг ташхислаш этапига бир қанча қўшимча текширувлар киритилган. Яъни, 88 (81,5%) нафар беморда ЭГДФС бажарилган. Бу усул нафақат тешилган ярани аниқлаш, балки перфоратив тешиқ, инфилтратив вал ўлчамлари, яра касаллигининг қўшма асоратларини баҳолаш ҳамда биопсия олиш имкониятини беради.

Эндоскопия усули ўн икки бармоқли ичак тешилган ярасининг нисбий (инсуффляция қилинганда тўсатдан оғриқнинг кучайиши, ўн икки бармоқли ичак деворларини тўғриланмаслиги, яра тубининг чуқурлиги) ва абсолют (тешилган яра) белгиларини аниқлашга имкон берди.

Ундан ташқари, асосий гуруҳда тешилган перфоратив дуоденал ярани ташхислаш ва хирургик тактикани аниқлаш мақсадида лапароскопия, *Helicobacter test* ва яра субстрати морфометрияси ишлатилган. Ошқозон шиллиқ қаватини *Helicobacter pylori* билан ифлосганлик даражасини аниқлаш йиғирма дақиқа талаб қилади.

#### 1-жадвал

#### **Helicobacter test** натижалари

Текширув натижаси	Назорат гуруҳи	Асосий гуруҳ
1-даража	5	32
2-даража	8	16
3-даража	10	5
Манфий	2	35
Жами	25	88

Ўтказилган *Helicobacter pylori* тести натижалари 1-жадвалда келтирилган. Назорат гуруҳида бу текширув амалиётдан кейинги даврда яра рецидиви ва қайталаниши сабабини аниқлаш мақсадида бажарилган.


Ошқозон шиллиқ қаватининг *Helicobacter pylori* билан юқори (3-даража) даражада ифлосганлиги имкон даражасида, шу беморга радикал оператив даво бажариш зарурлигини билдиради.

Асосий гуруҳда лапароскопияни бажаришдан мақсад, нафақат ташхисни тасдиқлаш, балки перфоратив тешиқ, инфилтратив вал ўлчамини баҳолаш, перитонит стадияси ва турини аниқлаштириш йўли билан Мангейм перитонеал индексини ҳисоблашдан иборат бўлган.


Асоратланган (яра тешилиши билан 20 нафар бемор) ва асоратланмаган (яра қайталаниши билан 16 нафар бемор) яраларнинг морфометрик хусусиятлари акад. В.Вахидов номидаги Республика ихтисослаштирилган

хирургия маркази ва Республика патологик анатомия илмий амалий марказида ўрганилган.

Бажарилган изланишлар шуни кўрсатдики, яра субстратини морфологик структурасини микроскопик ҳисоблаш ёрдамида яра тешилишини башорат қилиш мумкин. Масалан, яра субстратида «структурасиз» соҳаларнинг кўпайиши ва Панет хужайраларининг миқдорининг камайиши бўлган беморларда қайта-қайта яра касаллигининг қайталаниши ёки перфорация асоратининг содир бўлиши кузатилган (1-расм).



**1А-расм. Пилорик канал шиллик ости қаватида бириктирувчи тўқима, Панет хужайралари ва томирларнинг зич жойлашиши Асоратланмаган яра. Г-Э 10x10.**



**1Б-расм. Структурасиз соҳаларнинг кўпайиши ва Панет хужайралари сонининг камайиши. Асоратланган (перфоратив) яра. Г-Э. 10x40**

Ўтказилган текширувлар шуни исботладики, асоратланган дуоденал яра касаллигида (перфоратив ва предперфоратив яра) асосий морфометрик ўзгаришлар қуйидагилар ҳисобланади: 1) хужайрасиз «структурасиз» соҳаларнинг кўпайиши; 2) лимфа ва қон томирлари нисбий миқдорининг кўпайиши; 3) Панет хужайралари миқдорининг камайиши (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Морфометрик текширув натижалари

Яра субстрати бирликлари		Асоратланмаган яра	«Предперфоратив» ва тешилган яра	P
Томирлар	Қон томири	0,9±0,02	1,2±0,3	>0,05
	Лимфа томири	0,4±0,03	1,2 ±0,4	<0,05
Хужайралараро модда		55.4±0,9	92.2.±1,0	<0,001
Панет хужайралари		2.2±0,5	1.2±0,3	>0,05

Асосий гуруҳ беморларида морфометрияда шунақа ўзгаришларнинг топилиши ўн икки бармоқли ичак ярасининг тешилиши эҳтимоли баландлигидан далолат беради.

Микроскопик текширувлар шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдан 3 (15,0%) нафар беморда яранинг тешилиши башорат қилинган эди, улардан бирига режали равишда радикал операция ўтказилди. Қолган икки нафар бемор

таклиф этилган операцияни рад этди. Улардан бири 1,5 ойдан сўнг яра тешилиши билан клиникага мурожат қилиб келди ва меъда резекцияси амалиёти бажарилди.

Айтиб ўтилган «Сурункали гастродуоденал яраларни тешилишини прогнозлаш усули» бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (2016 й, №IAP 05271).

Умуман олганда, асосий гуруҳ беморларини ташхислаш босқичига кўшимча усулларни кўшиш ҳисобига қуйидаги натижаларга эришилди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Инструментал ва кўшимча текширув усулларини натижалари

Текширув усули	Назорат гуруҳи		Асосий гуруҳи		$\chi^2$	P
	абс	%	абс	%		
Рентгеноскопик	70	77,8	86	79,6	0,10	>0,05
Инсуффляция	5	5,6	2	1,9	1,97	>0,05
ЭГДФС	0	0	106	98,1	190,11	<0,001
Лапароскопик	0	0	107	99,1	194,01	<0,001
Ташхисотдаги хатоликлар	6	6,7	2	1,9	2,94	>0,05
Кеч ташхисот	7	7,8	2	1,9	3,97	<0,05

Айтиб ўтиш керакки, асосий гуруҳ беморларини ташхислаш ва даволашига тадбиқ этилган усуллар нафақат ўн икки бармоқли ичак тешилган ярасини аниқлаш, балки ҳамма омилларни (МПИ ва ASA бўйича хавф гуруҳини, лапароскопик ва эндоскопик мезонлар ва хеликобактериоз даражаси) ҳисобга олган ҳолда жаррохлик амалиёт турини танлаш имкониятини ҳам берди.

Диссертациянинг «**Назорат гуруҳидаги беморларда даволаш ва ташхислаш тактикаси**» деб номланган учинчи бобда назорат гуруҳидаги беморлани даволаш натижалари таҳлил қилинган. Бу гуруҳда барча оператив даво турлари ўрта-ўрта лапаротомия кесмаси орқали бажарилган. Тафтиш пайтида, перитонит тарқанганлик ҳолати ва тури баҳоланган: 23 (25,5%) нафар беморда - диффуз йирингли, 56 (62,2%) – маҳаллий ёки диффуз сероз ёки сероз-фибриноз перитонит аниқланган. Тарқалган йирингли перитонит 11 (12,2%) ҳолатда топилган.

Назорат гуруҳида операция турини танлаш мезонлари бўлиб перитонит тури ва характери, беморнинг умумий аҳволи ҳисобланган. Масалан, беморни умумий аҳволи қониқарли бўлиб, перитонит йирингли характерда бўлмаса, имкон даражасида радикал оператив даво усули қўлланилган. Ярим радикал оператив усулини қўллашга кўрсатма (ваготомия билан пилоропластика) йирингли бўлмаган перитонит фонида беморда компенсация босқичидаги ёндош касаллиги мавжудлиги бўлган. Шу мезонлар асосида назорат гуруҳида қуйидаги оператив даво усуллари қўлланилган (4-жадвал).

## Назорат гуруҳидаги бажарилган операция турлари

Операция номи	Беморлар сони	%
Меъда резекцияси (Бильрот II)	52	57,8
Стволли ваготомия ва пилоропластика	8	8,9
Перфоратив ярани тикиш	21	23,3
Перфоратив ярани тикиш, клиника усули бўйича қорин бўшлиғини дренажлаш	9	10,0
Жами	90	100,0

Радикал амалиётларнинг ўртача давомийлиги  $222,0 \pm 11,0$  дақиқани ташкил этди. Беморлар реанимация бўлимида 18-24 соатгача даволанишган, активизация 2-3-кундан бошланган. Оғриқ синдроми кучли бўлганлиги сабабли, 3-7 кунгача оғриқсизлантирувчи воситалар ишлатилган. Меъда резекциясидан кейин ўртача койка куни  $7,5 \pm 0,8$  ни ташкил этган.

Ярим радикал усуллари ичидан, техник томондан осонлигини ва тез бажарилишини ҳисобга олиб, Джад бўйича пилоропластика ва стволли ваготомия усули қўлланган. Амалиётларнинг ўртача давомийлиги  $85,0 \pm 5,5$  дақиқани ташкил этган. Амалиётдан кейинги давр худди радикал операциядан кейинги давр каби бўлган.

Бу гуруҳда 30 (33,3%) нафар беморда перфоратив ярани тикиш бажарилган. Улардан 11 (12,2%) нафарида тарқалган йирингли перитонит аниқланганлиги сабабли ярани тикишдан ташқари клиника усули бўйича қорин бўшлиғи дренажланган ва амалиётдан кейинги даврда перитонеал диализ сеанслари ўтказилган (Каримов Ш. И., 1990).

Операцион-анестезиологик хавф бўйича охирги гуруҳдаги барча беморлар ASA бўйича IV, V E синфга кириб, улардан 3 таси МПИ (Мангейм перитонеал индекси) бўйича 2 -даражали, 2 тасида 3-даражали перитонит гуруҳига мансуб бўлган (ретроспектив таҳлил натижалари).

Паллиатив амалиётлар ўртача  $71 \pm 3,8$  дақиқа давом этган. Амалиётдан кейинги давр нисбатан оғир ўтган, сабаби бу гуруҳдаги беморларда оғир ёндош касаллик ёки терминал перитонит мавжудлиги билан боғлиқ бўлса керак. Йирингли перитонит билан амалиёт ўтказган беморлар реанимация бўлимида  $1,8 \pm 0,3$  кун ётишган, ўртача койкаси  $7,4 \pm 1,1$  кунни ташкил этган.

Назорат гуруҳидаги беморларда амалиётдан кейинги даврда қуйидаги асоратлар кузатилди: эрта махсус – 7 (7,8%) ҳолат (чоклар етишмовчилиги - 3 (3,3%), интраабдоминал қон кетиш - 2 (2,2%), лимфорея (1) ва эвентрация (1). Эрта номахсус асоратлардан: пневмония – 7 (7,8%), ўткир миокард инфаркти – 3 (3,3%), тромбоемболия (1) и ўткир бош мия қон айланиши бузилиши (1). Номохсус асоратлар сабабли 3 (3,3%) та ҳолатда ўлим юзага келган. Ундан ташқари, 6 (6,7%) нафар беморда амалиётдан кейинги жароҳатда йиринглаш кузатилган ва бу кейинчалик 3 (3,3%) та беморда қорин деворида чурра пайдо бўлишига олиб келган.

Амалиётдан кейинги узок даврда (5 йил) 14 (15,6%) нафар беморда яра касаллигининг рецидиви ёки қайталаниш ҳолати, пилорик канал стенози – 4 (13,3%), яранинг қайта тешилиши – 1 ҳолатда кузатилган. Радикал ва ярим радикал операциялардан сўнг кўпинча постгастрорезекцион синдром – 7 (11,7%) нафар беморда демпинг синдром ва 9 (17,3%) нафарида темир етишмовчилиги камқонлиги ҳолатлари кузатилган.

Бизнинг фикримизча, назорат гуруҳидаги беморларни даволашдаги қоникарсиз натижалар қуйидаги сабаблар билан боғлиқ:

1. Ташхислаш этапида етарлича камчиликларга йўл қўйилганлиги 6 (6,7%) та ҳолатда ташхислашдаги хатоликлар келиб чиқишига олиб келди ва бу ўз навбатида хирургик тактикани ўзгаришига ва беморлар умумий аҳволининг оғирлашувига сабаб бўлди.

2. Беморларни амалиётга тайёрлаш давомида улар умумий аҳволини оғирлик даражасини ва перитонит даражасини тўғри баҳоламаслик. Масалан назорат гуруҳидаги беморларни ретроспектив ўрганилганда, 85 (94,4%) нафар бемор МПИ бўйича перитонит 1- даражаси, 3 (3,3%) ҳолатда – 2- даражаси, 2 (2,2%) ҳолатда – 3-даражаси бўлганлиги аниқланади. Радикал операция ўтказган 19 нафар беморда эрта ва кечки амалиётдан кейинги асоратлар кузатилган ( $\chi^2=28,9$   $p<0,001$ ). Шулардан уч ҳолатда ўлим юзага келган (2 та бемор 3-даражали, 1 та бемор 2-даражали перитонит).

3. Ўн икки бармоқли ичак тешилган яраси оптимал ташхислаш ва даволаш алгоритмининг йўқлиги ташхислашдаги хатоликлар, амалиётдан кейинги асорат ва ўлим кўрсаткичларининг кўпайишига сабаб бўлди.

4. Хеликобактериоз даражасини яра касаллигининг кечимига таъсирини баҳоламаслик. Назорат гуруҳида 25 нафар беморларда ретроспектив таҳлил асосида хеликобактериоз даражаси ва уни яра касаллигининг асоратлари пайдо бўлиши билан боғлиқлиги ўрганиб чиқилди. Бундан маълум бўлдики, яра касаллиги асоратлари ва қайталаниш ҳолатлари кўпинча 3-2-даражали хеликобактериоз мавжуд беморларда юзага келаркан. Масалан, текширилган беморлар ичида 5 нафарида 1-даражали хеликобактериоз аниқланиб, уларда яра қайталаниши ва асоратлари кузатилмаган ( $\chi^2=1,1$   $p>0,05$ ); 8 ҳолатда 2-даражали хеликобактериоз билан 3 нафарида (37,5%) яра касаллиги қайталанган ( $\chi^2=1,15$ ,  $P>0,05$ ); 3-даражали хеликобактериоз 10 нафар беморда аниқланиб, улардан 8 (80%) тасида яранинг қайталаниши, кейинчалик 3-даражали стеноз (4 ҳолат), қайта перфорация (1 ҳолат) ривожланган ( $\chi^2=11,6$   $P<0,001$ ). Хеликобактериоз аниқланмаган 2 нафар беморда консерватив даводан сўнг яра касаллиги тўлиқ ремиссияга ўтган ( $\chi^2=2,26$ ,  $P>0,05$ ).

5. Паллиатив операциялардан сўнг амалиётдан кейинги даврда яра субстратидаги морфометрик параметрларни ҳисобга олмаслик.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, ташхислаш этапига кўпроқ маълумот берадиган ташхисот усуллари (эндоскопия, лапароскопия, Helicobacter test, морфометрия) ни қўшиш мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки бу орқали ўз вақтида тўғри ташхис қўйиш ва хирургик тактикани танлаш

мумкин.

Диссертациянинг «**Ўн икки бармоқли ичак тешилган ярасида ташхислаш ва даволаш усуллари**ни такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобида асосий гуруҳ беморларини юқорида тадбиқ этилган усуллар билан даволаш натижалари акс эттирилган.

Бу гуруҳда операцияни танлаш мезонлари бўлиб, бемор умумий статуси ва перитонитни ASA ва МПИ бўйича даражаси, перфоратив тешик ва инфилтратив вал ўлчамлари, яра қўшма асоратларини, хеликобактериоз даражаси хизмат қилди. Шу мезонларга асосланиб, биз томондан ўн икки бармоқли ичак тешилган яраларида даволаш-ташхисот алгоритми ишлаб чиқилди (3-расм).


Ишлаб чиқилган алгоритм асосида асосий гуруҳда 11 (10,2%) нафар беморда тешилган ярани лапароскопик тикиш, 52 (48,1%) ҳолатда – тешилган ярани кичик кесмадан тикиш ва лапароскопик санация қилиш, 10 нафар беморда стволли ваготомия билан пилоропластика, 8 ҳолатда – меъда резекцияси ва 11 ҳолатда очиқ усулда тешилган ярани тикиш операцияси бажарилган.

Перфоратив ярани лапароскопик усулда тикишга кўрсатма: перфоратив тешик ва инфилтратив вал ўлчамининг 5 мм дан кичик бўлиши, яра қўшма асоратларининг бўлмаслиги, МПИ бўйича 1-2 даражали перитонит, ASA бўйича I-III синф, хеликобактериоз паст даражаси.


Тешилган яра синтетик ип (№3.0) ёрдамида бир қаватли тугунли чоклар билан тикилади (2А-расм). Кўпинча катта чарви билан перитонизация қилинган (2Б-расм). Операциянинг ўртача давомийлиги  $51,0 \pm 2,5$  дақиқани ташкил этган. Амалиётдан кейинги даврда асоратлар кузатилмаган ( $\chi^2=3,42$   $P>0,05$ ). Беморларнинг стационардаги ўртача койка куни  $4,9 \pm 0,4$  ни ташкил қилган ( $t=1,6$   $P>0,05$ ). Улардан 1 нафар беморда яра касаллигини қайталаниши кузатилган ( $\chi^2=4,8$ ,  $P<0,05$ ).

Бу гуруҳда 52 нафар беморда перфоратив ярани минилапаротомия орқали тикиш бажарилган. Лапароскопик усулдан бу усулга ўтишнинг сабаби, перфоратив тешик ва инфилтратив валнинг нисбатан ифодаланлиги бўлди. Бу оператив усулининг афзаллиги - бажарилиш техникасининг тезлиги ва оддийлиги ҳисобланади. Айниқса бу операцияни ўлим хавфи юқори бўлган беморларда бажариш мақсадга мувофиқдир. Усулнинг ўртача давом этиш вақти -  $37 \pm 4,6$  дақиқани ташкил қилди.

Амалиётдан кейинги даврда 3 нафар беморда асорат кузатилди: 1 (1,9%) - тикилган ярадан қон кетиш (консерватив йўл билан тўхтатилди), 1 (1,9%) - ўткир коронар синдром (хуруж бартараф этилди) ва 1 (1,9%) ҳолатда кечки даврда привратник стенози ( $\chi^2 = 15,8$   $p<0,01$ ). Стационарда ўртача койка куни  $5,2 \pm 0,6$  ни ташкил этди ( $t=2,8$   $p<0,01$ ). Бу гуруҳдан 3 та беморда яра касаллиги қайталаниши юзага келди ( $\chi^2 = 22,2$   $p<0,01$ ).



**2-расм. Тешилган ярани лапароскоп-пик тикиш (А)**




**2-расм. Катта чарви билан перитонизацияси (Б)**

Джад бўйича пилопластика ва стволли ваготомия стандарт методика билан 8 (5,0%) ҳолатда бажарилган. Бу операция тури перфоратив тешик ва инфильтратив вал ўлчами 10 мм дан катта бўлганда, 1-2- даражали привратник стенозида, тешилган ярадан қўшимча яна қон кетиш ҳам кузатилганда, 1-2- даражали хеликобактериозда, ASA бўйича I-III синф ва МПИ бўйича 1-даражали перитонит мавжуд бўлганда бажарилди. Бу турдаги операциядан сўнг яра рецидиви ( $\chi^2 = 4,9$   $p < 0,05$ ) ва амалиётдан кейинги асоратлар ( $\chi^2 = 4,9$   $p < 0,05$ ) кузатилмади. Ўртача қойка қуни бўйича назорат гуруҳидаги беморлар билан фаркли ўзгариш кузатилмади ( $t = 0,6$   $p > 0,05$ ).

Асосий гуруҳда 8 (7,4%) та ҳолатда Бильрот-II бўйича меъда резекцияси қўлланилган. Радикал операцияни бажаришга қуйидаги кўрсатмалар қўйилган: перфоратив тешик ва инфильтратив вал ўлчами 10 мм дан катталиги, кучли ифодаланган чандиқли жараён; эндоскопик ва лапароскопик текширувда яра касаллигининг қўшма асоратлари (перфорация+қон кетиш, перфорация + стеноз, “ўпишувчи” яралар) мавжудлиги; яра касаллиги бўйича аввал операциялар бажарилган бўлса; хеликобактериоз юқори даражаси; ASA бўйича I-III синф ва МПИ бўйича 1-даражали перитонит.

Асосий гуруҳда юқори саралаш орқали бажарилган радикал операциялар натижасида амалиётдан кейинги асоратлар миқдорининг сезиларли даражада камайишига олиб келди. Яъни, 1 ҳолатда лимфорея (консерватив даво ёрдамида бартараф этилди) ( $\chi^2 = 0,005$ ,  $P > 0,05$ ), 3 та ҳолатда постгастро-резекцион синдром юзага келди. Ўртача қойка қуни бўйича назорат гуруҳидаги беморлар билан фаркли ўзгариш кузатилмади ( $t = 1,6$ ,  $P > 0,05$ ).



Иккала гуруҳдаги очик усулда тешилган яраси тикилган беморлар ўртасида яра кўзғалиши ва рецидиви кўрсаткичи бўйича ( $\chi^2 = 0,28, P > 0,05$ ), асоратлари бўйича ( $\chi^2 = 0,06, P > 0,05$ ) ва ўртача койка куни бўйича ( $t = 1,6, P > 0,05$ ) деярли фаркли ўзгариш кузатилмади. Асосий гуруҳда ўлим ҳолати 2 (1,85%) та ҳолатда кузатилди ( $\chi^2 = 0,8, P > 0,05$ ).

Таклиф этилган диагностик усулларни назорат гуруҳида қўллаш орқали операциядан олдинги диагностик аниқлик 98% га кўтарилди. Шунини айтиш керакки, асосий гуруҳда паллиатив операциялар сони кўпайишига қарамадан, яра касаллиги кўзғалиши сони кўпаймасдан, балки 16,0% дан 13,0% гача камайди. Бизнинг фикримизча, бу ҳар бир амалиёт тури учун қиёсий ёндашганимиз, даволаш ва диагностик этапга қўшимча усулларни қўшганимиз билан боғлиқ бўлса керак. Ундан ташқари бу усулларини амалиётга тадбиқ этиш ўн икки бармоқли ичак тешилган яраси билан беморларда ҳамма операция турларига кўрсатмаларни аниқлаштириб, етарли даражада ўлим кўрсаткичи (1,85%) ни камайтирди.

## ХУЛОСАЛАР

«Ўн икки бармоқли ичак яраси тешилишида хирургик даволашга дифференциаллашган ёндашув» мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўн икки бармоқли ичак тешилган яраси билан беморларни ташхислаш ва даволашга анъанавий ёндашув амалиётдан олдинги даврда 6,7% гача диагностик хатолик, 16,0% гача ҳолатда яра қайталаниши, 26,7% гача амалиётдан кейинги асоратлар ва 3,3% гача ўлим юзага келишига олиб келади.

2. Шу тоифадаги беморларда эндоскопик текширувни ишлатиш яра субстратини параметрларини баҳолаш, яра касаллиги қўшма асоратлари характери ва даражасини аниқлаш имконини бериб, амалиётдан олдинги даврда 95% гача ҳолатда тўғри ташхис қўйишга сабаб бўлади.

3. *Helicobacter test* ни яра касаллигининг бу асоратида қўллаш, амалиётдан кейинги даврда бу беморда яра рецидива ёки тешилиш хавфи бор-йўклиги прогнозлаш имконини беради. Чунки 2-3-даражали хеликобактериоз билан беморларда 50-100% ҳолатда яра касаллиги қайта кўзиши ёки тешилиши кузатилади ( $\chi^2 = 11,6, P < 0,001$ ).

4. Ишлаб чиқилган ўн икки бармоқли ичак ярасини тешилишини башоратлаш усули тешилиш хавфи бор беморларни аниқлаш имконини беради ва бундай ҳолатда режали равишда радикал оператив даво тавсия қилинади.

5. Таклиф қилинган алгоритм асосида 98% ҳолатда ўз вақтида, тўғри ташхис қўйиш ва адекват хирургик тактикани танлаш мумкин. Бу алгоритмни амалиётда қўллаш диагностик хатоларни 6,7% дан 1,9% гача, амалиётдан кейинги асоратларни 26,7% дан 14,8% гача, ўлим кўрсаткичини 3,3% дан 1,85% гача камайишига сабаб бўлди ( $\chi^2 = 0,8, P > 0,05$ ).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 28.02.2018.Tib.63.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ НАУЧНОМ  
ЦЕНТРЕ ЭКСТРЕННОЙ МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ**

---

**ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ**

**АШУРОВ ШЕРОЗ ЭРМАТОВИЧ**

**ДИФФЕРЕНЦИРОВАННЫЙ ПОДХОД К ХИРУРГИЧЕСКОМУ  
ЛЕЧЕНИЮ ПЕРФОРАТИВНЫХ ЯЗВ ДВЕНАДЦАТИПЕРСТНОЙ  
КИШКИ**

**14.00.40 – Экстренная медицина**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ- 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.4.PhD/Tib292.**

Диссертационная работа выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.emerg-centre.uz](http://www.emerg-centre.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Беркинов Улугбек Базарбаевич**  
доктор медицинских наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Аталиев Альберт Ервандович**  
доктор медицинских наук, профессор  
**Хаджибаев Фарход Абдухакимович**  
доктор медицинских наук

**Ведущая организация:**

**Московский государственный медико-стоматологический университет им. А.И.Евдокимова (Москва, РФ)**

Защита состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc. 28.02.2018.Tib.63.01 при Республиканском научном центре экстренной медицинской помощи (Адрес: 100081, г.Ташкент, Чиланзарский район, Кичик халка йули, 2. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05; e-mail: [uzmedicine@mail.ru](mailto:uzmedicine@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи (зарегистрирована за № \_\_\_). Адрес: 100115, г.Ташкент, Чиланзарский район, ул. Кичик халка йули, 2. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05;

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года).

**А. М. Хаджибаев**

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.м.н., профессор

**Д. А. Алимов**

Учёный секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.м.н.

**Б. К. Алтыев**

Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.м.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире среди осложнений язвенной болезни двенадцатиперстной кишки (ЯБДПК) перфорация язвы занимает второе место по частоте встречаемости (5-15%) после кровотечения (20-30%). «Частота перфорации язв весьма вариабельна, так, в Южной Корее ее частота 4,4, в Японии – 4,2, в Норвегии - 6,5, в России – от 7,5 до 13,0, в США- 9,0 случаев на 100 тыс. человек. В нашей стране этот показатель составляет 5-10 случаев на 100 тыс. человек...»<sup>1</sup>.

«Несмотря на успехи консервативной терапии в лечении язвенной болезни (ЯБ), летальность при прободной язве колеблется в пределах 2,5-27% случаев. В Российской Федерации смертность при прободении язвы составляет 1-10,6% случаев. В нашей Республике этот показатель варьирует от 6% до 15% случаев. У пациентов с терминальной фазой перитонита и тяжелыми сопутствующими патологиями летальность может достигать до 30%...»<sup>2</sup>.

Как известно, прободение язвы двенадцатиперстной кишки (ДПК) более характерно для лиц молодого возраста, а желудочных - пожилого. Однако за последние годы этот возрастной диапазон претерпел изменения. «Средний возраст больных с перфорацией язвы ДПК увеличился на 15-20 лет. По мнению многих исследователей, современные методы консервативного лечения не снизили частоту развития осложнений ЯБ, а лишь отодвинули их на старший возрастной период. В возрастной группе старше 65 лет хирурги начали сталкиваться исключительно с осложненными формами ЯБ, что, естественно, ухудшает результаты лечения и требует поиска новых, менее травматичных оперативных методов с учетом имеющихся у этого контингента ряда сопутствующих патологий...»<sup>3</sup>. Другой немаловажной проблемой, связанной, возможно, с частым применением консервативного лечения, является своевременная диагностика перфоративных язв ДПК. Применение, на сегодня, стандартного диагностического арсенала не всегда позволяет своевременно установить диагноз и тем самым затягивается драгоценное время, необходимое для выполнения, при необходимости, радикального вмешательства. По данным мультицентрового исследования, частота диагностических ошибок при перфорации язвы ДПК составляет 5-15%.

Учитывая вышесказанное, решение этой задачи все еще является актуальной проблемой.

В мире уделяется особое внимание на научно-исследовательские работы по поводу дифференцированного подхода к хирургическому лечению

---

<sup>1</sup> Ates, M. The simple suture laparoscopic repair of peptic ulcer perforation without anomental patch / M. Ates, A. Dirigan // Surg. Endosc. – 2016. – Vol. 26. – P. 289.

<sup>2</sup> Хаджибаев А.М., Атаджанов Ш.К., Каттабеков О.А. Новые технологии в хирургии прободных язв двенадцатиперстной кишки. Бюл. Ассоциации врачей Узбекистана. 2008. №1, 34-38.

<sup>3</sup> Сажин А.В. Результаты лапароскопического ушивания пилородуоденальных язв // Неотложная и специализированная помощь. III конгресс московских хирургов: тез. докл. – М., 20129. – С. 45-46.

перфоративных язв ДПК. С этой целью оцениваются новые способы лечения, направленные на улучшение результатов при перфорации язв ДПК, степень загрязненности бактерией *Helicobacter pilory* при перфорации язв ДПК экспресс методом. Оценка морфометрических параметров субстрата язвы и разработка послеоперационного прогнозирования перфораций ДПК, диагностика и лечение на основе проведенных обследований (эндоскопия, лапароскопия, *Helicobacter test*, морфометрия) входит в комплекс лечебно-оздоровительных компонентов.

